



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 20 март, шанба № 34 (681)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари,

Наврўз байрами муносабати билан Америка халқи номидан Сизга самимий қутлов йўллаш менга мамнуният бахш этади. Бу яшариш ва янгилашни байрами бизга она-замин бахш этган саховат тух-фасини эслатади. Шунингдек, бу ўзимизни кўпроқ мамлакатларимиз ўртасида муҳокама қилинган иқтисодий ва демократик ислохотларни амалга оширишга бағишлайдиган ва биргаликда кўп муваффақиятларга эришишимиз мумкин бўлган даврдир. Умид қиламанки, шу соҳаларда ҳамкорлигимиз давом этади. Ўзбекистон мустақиллиги, хавфсизлиги мустаҳкамланади ва у янада раванқ топади, деган умидданам.

Камоли аҳтиром билан,

Уильям КЛИНТОН, Америка Қўшма Штатлари Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

«Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида демократик жараёнларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситалари имкониятларини кенгайтириш ва эркинлигини таъминлаш, уларни бозор иқтисодиёти ҳамда демократик тамойиллар асосида ислох этишни кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот бозоридан ўзига мос ўринни эгаллашига эришиш, республика ҳаёти ҳақида ҳолис ахборотни дунёга тезкор тарқатиш тизимини яратиш, аҳолининг жаҳон миқёсидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистоннинг ҳукуматга қарашли бўлмаган оммавий ахборот воситалари, давлат ва нодавлат ташкилотларидан иборат ташаббускор гуруҳнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини ташкил этганликларини маъқуллаш. Агентликнинг низоми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги эътиборга олинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Таъқиқ иқтисодий алоқалар вазирлиги (Э.Ғаниев) ва Таъқиқ иқтисодий фаолият миллий банки (З.Мирхўжаев) «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини ташқи иқтисодий фаолият катнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда миллий ва хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун Агентликнинг тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азимов) Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион сўм ажратсин.

4. Агентлик, унинг бўлимлари, филиаллари ва унинг тузилмасига кирувчи корхоналар бўш қолган маблағларни ўз моддий-техника базасини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришга ва Агентлик ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш шарти билан барча турдаги давлат солиқларидан, боғжона божи ҳамда давлат бюджетига ўтказилмаган бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек, валюта тушумининг бир қисmini мажбурий тарзда сотишдан уч йил муддатга озод қилинсин.
5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги /К.Тўлаганов/ 1998 йил 1 январ ҳолатидаги баъланс қиймати бўйича Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй биносидан «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигининг эҳтиёжига мувофиқ қисмини бир ой муддат ичида ажрати берсин.
6. «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги «UzPAK» хизмати «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини шартнома асосида зарур техника жиҳозлари билан таъминлашда, «Интернет», бошқа тармоқлар ва агентликлар, шу жумладан хорижий тармоқлар ва ахборот агентликларини билан улаш ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхати киритилсин.
7. Ўзбекистон Республикаси Почта ва телекоммуникациялар агентлиги «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини белгиланган тартибда шаҳар ва ҳукумат телефонлари, бошқа зарур алоқа каналлари ва воситалари билан таъминласин.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолият мувофиқлаштириш департаменти «UzPAK» хизмати «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлигини шартнома асосида зарур техника жиҳозлари билан таъминлашда, «Интернет», бошқа тармоқлар ва агентликлар, шу жумладан хорижий тармоқлар ва ахборот агентликларини билан улаш ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ҳамда расмий статистик тўпламлари мажбурий равишда юборилувчи ташкилотлар рўйхати киритилсин.

9. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 1999 йил 19 март.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТимоий МУҲОFAZАСИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Ишловчи аёлларнинг юқори малакали меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тақомиллаштириш бўйича 1999 йилги тадбирлар Давлат дастурини рўйбга чиқариш мақсадида:

1. Белгиланган қўйилсинки, 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдида мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсиясини тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.
2. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 1999 йил 17 март

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎТА ЗАРАРЛИ ВА ЎТА ОҒИР МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИДА ИШЛАЙТГАН АЁЛЛАРНИНГ ДАРОМАДИГА ИМТИЁЗЛИ СОЛИҚ СОЛИШ Тўғрисида

Оғир ишларда ишлаётган аёлларнинг даромадлари даражасини ошириш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 1999 йил 1 апрелдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва курсаткичлар 1-руйхатининг III қисмида ва 2-руйхатининг 1 қисмида курсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларнинг даромадида солиқ солиш бўйича қўшимча имтиёзлар белгилансин, уларнинг даромадларига солиқ солиш даражаси 20 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб қўйилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 мартдаги 72-сон қарорининг 1-банди мазкур қарорнинг 1-бандида курсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шaroитларида ишлаётган аёлларга нисбатан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси даромад солиғи мазкур қарорга мувофиқ тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўлалиши устидан назоратни таъминласин.
4. Вазирликлар ва идоралар идоравий меъёрий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Д.Ғуломов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг РАСИ **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 1999 йил 17 март

Бахшилар ижодидан Келишини бошқа

Тарихинг, таърифинг тилларда дoston, Куёш чарақлайди, мовийдир осмон, Хофиз қўшиқ айтар, рақс этар жонон, Севинч бағишлайсан кексаю ёшга, Наврўзжон, бу йилги келишинг бошқа.

Бир ён катта кураш, бир ён кўпқари, Аския, айтишув, ўланлар бари, Янгаларнинг айтган авжли ёр - ёри, Севинч бағишлайди кексаю ёшга, Наврўзжон, бу йилги келишинг бошқа.

Шоирларнинг айтар сўзи бўлиб кел, Яйловларда қўю қўзи бўлиб кел, Майли, гулбахорнинг ўзи бўлиб кел, Севинч бағишлайсан кексаю ёшга, Наврўзжон, бу йилги келишинг бошқа.

Ҳикмат бахши Мусурмон ўғли.

МАЙМАНОҚ ШОДИЁНАЛАРИ

Шу кунларда она-табиатнинг таровати ўзгача. Чор-атроф гўзалликка бурканган. Дастурхонлар баҳор неъматлари билан безатилган. Сумалак, ёрма, кўк сомсанинг ўрни бўлакча.

Хур диёримизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари катори майманокликлар ҳам халқимизнинг энг улғу байрами - Наврўзи айёмини ифтихор ва зўр шодийналик билан қарши-лашмоқда.

Майманок Қашқадарё вилоятидаги энг катта қишлоқлардан бири. Ўзбек халқ достони «Ези билан Зебо» воқеалари Майманок тоғлари атрофида кечган. Мурод Бахши ота зиёратгоҳи, кўҳна Сардоба, қарвон йўли қишлоқнинг қадимий ва навқирон эканлигидан далолат беради. Меҳнат аҳли халқ хўжалигининг барча тармоқларида фидокорона меҳнат қилаяпти.

Бизда 14776 нафар аҳоли истикомат қилади, дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Туроб Холмуродов,

2400 та хонадоннинг ҳар бири диққат эътиборимизда, 86 та кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш борасида Сайидо Насафий номли, «Майманок» жамоа ширкат хўжалиқларининг раҳбарлари, хусусан, қасба уюшма қўмиталари ибратли тадбирлар асосида иш олиб боришяпти. Кам таъминланган, ёлғиз оилаларга, ногиронларга меҳр-саховат кўрсатиляпти. Қишлоқ аҳли Наврўз байрами тантаналарини ҳамжиҳатлик билан ўтказмоқда. Эрта тонгдан қишлоқ кўчалари чиройли,

Мурасасиз курашда ғолиб бўлинг

Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида кураш бўйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоғи учун III халқаро турнири тантанали очилди. Бу турнирда 17 мамлакатдан 223 кучли полвон иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов турнир иштирокчилари ва меҳмонларни табриклаб, мамлакатимиз халқи кураш бўйича Ўзбекистон мустақиллиги кубоғи учун III халқаро мусобақа иштирокчиларга меҳмондўстлик кўрсатишдан хурсандлигини айтди.

Турнир курашнинг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга ёрдамлаштиришга қўлағайди, томошабинларга унутилмас ёрқин галабалар дақиқаларини ҳада қилади, янги истеъдод эгаларини кашф этади, шу билан бирга шу йил

май ойида Тошкентда ўтадиган Осиё чемпионати олдидан жиддий синов бўлади.

Теннис бўйича Ўзбекистон Президенти кубоғи учун турнир, «Гран-при» тоифасидаги кураш бўйича халқаро турнир каби мусобақаларни ўтказишда тажриба орттирган мустақил Ўзбекистон Осиё чемпионатини ҳам ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказди, деди Х.Кароматов. Бугунги мусобақа иштирокчиларига мурасасиз курашда ёрқин галабалар ва холисона ҳақамликни тилайман.

ФИЛА биринчи вице-президенти Михай Бира турнир иштирокчиларини табриклаб, спортча курашнинг ривожлантиришга қўлағайди, томошабинларга унутилмас ёрқин галабалар дақиқаларини ҳада қилади, янги истеъдод эгаларини кашф этади, шу билан бирга шу йил

амас, Осиёда ва бутун дунёда спортнинг бу турини ривожлантиришга қўлағайди, томошабинларга унутилмас ёрқин галабалар ва холисона ҳақамликни тилайман.

Ўзбекистон кураш уюшмаси китъада ва жаҳонда курашнинг ривожлантиришда ФИЛАнинг асосий таянчларидан бирига айланмоқда, деди Михай Бира. Бу бизни хурсанд қилмоқда ва Ўзбекистонлик спортчилар яқин келажакда жаҳон чемпионатини ўтказишни қабул қилибгина қолмай, олимпия чўққиларини забт этадилар, деб ишонч билдириди.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов мусобақани очиб деб эълон қилди.

Турнирнинг тантанали очилди маросимида театрлаштирилган томошада Ўзбекистоннинг энг яхши ижодий жамоалари иштирок этди.

АСОСИЙ ТАШАББУС МЕҲМОНЛАРДА

18 мартда катта футболни соғинганлар учун мамлакатимизнинг саккизта футбол майдони мухлис-ларга ўз кучогини очди. Бутун ўйин-гоҳлар қарнай-сурнай садоларию дилрабо куй-қўшиқлар ва гулдурос қарсақлар остида қолди. Юрта Наврўз билан ҳамқадам футбол байрами ҳам кириб келди.

Интиқиб қутилган дамлар. Биз сени қанчалар соғингандик-ФУТБОЛ! Мана энди миллионлар ўйини бошланди. Шу кунни олий лига жамоалари ўртасидаги VIII миллий чемпионатнинг биринчи давра учрашувлари старт олди. 1-тур ўйинларида 16 жамоа тўп суришиб дарвозаларга жами 20 та тўп киритилди. Ўйин натижалари куйидагича:

- «Насаф» - «Хоразм» - 1:2
- «Зарафшон» - «Бухоро» - 1:1
- «Андижон» - «Сўғдийна» - 1:2
- «Сурхон» - «Металлург» - 1:1
- «Дўстлик» - «Пахтакор» - 1:1
- «Трактор» - «Нефтчи» - 1:2
- «Самарқанд» - «Навбахор» - 2:1
- «Янгиер» - «Темирўлчи» - 1:1

Абдулла АЙИЗОВ, «Ишонч» муҳбири.

Яқин тарихимизга бир назар ташласак, айнан Наврўзи олам ҳаётимизда қайта тикланиши, унинг қутлуғ қадамлари бевосита ўз-лигимизни англаш, миллий онг, миллий ғурур ва туйғуларимизнинг ўйғонишига тўртки бўлиб, мустақиллигимизга эришиш, жамиятимизнинг янгиланиши йўлидаги биринчи қадамлар билан боғланиб кетгани ҳам бежиз эмас.

Ислом КАРИМОВ.

ИНСОН ҚАЛБИ МЕХРГА ТАШНА

«Шафқат ва саломатлик» халқаро жамғармаси дипломи соҳиблари

Табиат ўйгонмоқда. Энг муҳими, дилларда меҳроқибат куртаги кўз ёриб, саховат гунчаси мева туғаётир. Нигоҳларда чексиз меҳрибонлик, сўзларда диловар латиflik туясан киши...

Ўзим асли русман, Бошқирдистонда туғилиб ўсганман. Умримнинг кейинги 35 йили эса Ўзбекистон билан боғлиқ. Шу ерда уйландим, тўрт нафар фарзанд кўрдим. Ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида Тошкент шаҳар автомобиль нақлиётидан фойдаланиш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида чилангарлар бригадасининг бошлиғи, муҳандис бўлиб ишладим. Корхона йўлнамаси билан уч йил Сурияда ҳам ишлаб келдим. 1986 йилдан буён касаба уюшма кўмитасининг раисиман. Одамларга меҳру муруват кўрсатиш, имкони борича ёрдам бериш, ҳеч бўлмаганда бир оғиз ширин сўз билан кўнглини кўтариш савоб иш эканини шунда билдим. Ўзбек халқининг саховатшечлигини, одамлар қорига яраш буюк бахт эканлигини дил-дилдан ҳис қилдим...

Мен меҳнат қилаётган жамоада бир оила фарзандларидек ахил қирққа яқин миллатга мансуб ярим мингдан ортиқ одам ишлайди. 300 га яқин автоулов шахарлараро, 15 та «Мерседес» русумли машинамиз эса МДХ давлатларидаги хизмат кўрсатади. Табиийки, ҳайдовчиларимизнинг кўп вақти йўлда ўтади. Шунинг учун ишчиларга ва уларнинг оила аъзоларига барча қулайликлар яратилган.

Корхонанинг ўз ёрдамчи ҳўжалиғи бўлиб, унда етиштирилган маҳсулотлар, жумладан, гўшт ва сўт байрамларда ишчиларга текин берилади. Иссиқхоналаримизда қаҳратон қишда ҳам помидор, бодиринг ва бошқа сабзавотлар етиштирилади. Корхона ўз ҳисобидан учта уйни қуриб, ишчилар ихтиёрига топширди. Ишчи-хизматчиларимизни соғломлаштириш учун 1986 йилдан буён 100 ўринли санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Ўтган давр мобайнида 10000 дан ортиқ ишловчилар ва уларнинг оила аъзолари бу сўхатгоҳда ўз соғлиқларини тиклаб олишди.

Соғлом тан, соғлом муҳит ва соғлом руҳ ҳамма кўрсаткичлар бўйича қилинган кўндан кўнми келаятганимизнинг асосий омиллари деб биламан. Жамият раиси Қаҳрамон Окбев ташаббуси билан тузилган футбол жамоасининг Бектемир тумани ҳокими кубоғи учун ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган спорт мусобақаларида совринли ўринларни олиб келаятгани, корхонамизнинг «Автоўл» корпорациясига аъзо бўлган 500 дан зиёд жамоалар ичида биринчилиқни кўндан бермаётгани фикримнинг яққол далилидир.

Умуман, корхонада нимаики қилинмасин, ҳаммаси меҳр ва саховат шарофатидир. Бу ишларнинг бошида омилкор кишилар туришибди. Жамоамиз бежиз «Шафқат ва саломатлик» халқаро жамғармасининг дипломи билан тақдирланмаган...

Ҳар йили Наврўз кунлари меҳрга муҳтож болажонларнинг суннат тўйлари ўтказилади. Уларнинг ҳар бири номига омонат дафтarchаси очилиб, пул қўйилади. Токи, улар улғайганда бемалол оила қуриш ёки мустақил равишда иш бошлаш имконига эга бўлинлар.

Хозиргача жамият саховатидан баҳраманд бўлган болалар сони йигирма олти нафарга етди. Бу йилги Наврўзда яна беш нафар ота-онасиз гўдакнинг боши силанади...

Саховат уруғини қадаш, ўқсик кўнгилларни чарогон этиш халқимизнинг азалий одати. Келинг, дўстлар, меҳр ва оқибат оий бўлган Наврўзи олам кўнларида бир-биримизга янада яқинроқ бўлайлик. Меҳр-муруват нурлари дилимизни нурафшон айласин.

Олег ЧЕЛНОВ,

Тошкент автомобиль нақлиётдан фойдаланиш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитасининг раиси.



ҲАР ЕРНИНГ ЎЗ УДУМИ БОР

Наврўз кунлари Хоразмда ерларни чғир билан сугориш ишлари бошланади. Ўша кунни чғирларнинг пири Ноиллож бува қақига қурбонлик ва садақа қилинган.

Хоразмда баҳор байрами дастурхонига «Наврўз гўжа» қўйиш удуми бор. Бу неъмат масаллиғи етти хил дондан иборат бўлади: жўҳори, буғдой, арпа, тарик, гуруч, ловия ва мош.

Наврўз кунлари боғдаги азим ўрик дарахтларига арқон солиб арғимчоқ ясалади. Қиз-жувонлар ййғилишиб, навбатма-навбат арғимчоқ учадилар. Қорақўллик момолар «Наврўз кунни арғимчоқ учса, кишининг ағрами (оғирлиғи) тўқилади», — деб ирим қиладилар. Аёллар арғимчоқни баландлатиб учишга ҳаракат қилганлар, сабаби «Наврўз кунни арғимчоқ учаётганда дарахтнинг энг баланд шохидаси эндигина пурчиган баргчалардан узиб олса савоб бўлади, бундай инсон янги йилда жамики орзуларига эришади», деган гаплар бор.

Шофирконда зағизгоннинг дарахтдаги инида тухум қўйишига қараб янги йил кирганлиғи аниқланган.

Қорақўл туманининг қишлоқларида Наврўзга атаб махсус ўрик шарбати тайёрланади. Айтишларича, илгарилари уйларга сандал қуриш учун лойсувоқ полдан чуқурча қазилган. Наврўз кунни сандаллар чиқарилиб келгуси қишгача олиб қўйилган. Сандал учун қазилган чуқурчани кўмиб, унинг устига ўрик шарбати томизилади. Шундан сўнг «қиш бўйи сандалда ўтирганимиз учун оёқ-қўлимиздан, белимиздан, бутун баданимиздан бодни суриб чиқарсин», — деб ўрик шарбати ичилади.

Шанбалик маблағидан хайрия жамғармасига

250 минг сўм ўтказилди

Мустақиллигимизнинг саккизинчи баҳори кириб келди. Бундан барчамизнинг қалбимизда ифтихор туйғуси жўш урмоқда. Наврўз нафаси кезаётган кунларда Тошкент вилоятининг Ангрен туманида ҳам улуг кўнга кизгин тайёргарлик кўрилди.

Кунни кеча очиқ ҳавзадаги кўмир қони жамоаси бир кунлик шанбалик ўтказдилар. Шу кунги ишлаб топилган маблағ Наврўз байрамини нишонлашга сарфланадиган бўлди. Мазкур корхона оталиғидаги 73-футбол интернати, 34-меҳрибонлик уйи, 20-боғча-мактаби ҳамда «Кўктерак», «Геологлар» маҳаллаларида ўтказиладиган байрам тадбирларини уюштириб беришни зиммасига олди. Шунингдек, «Наврўз» хайрия жамғармаси фондига 150 минг сўм ажратилди. Шаҳардаги мавжуд маҳал-

лаларнинг биттадан кам таъминланган оиласини оталикка олиб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш юзасидан қарор қабул қилинди.

9 - кон корхонаси ҳам Наврўзга жиддий тайёргарлик кўрди. Шанбаликда 1100 нафар ишчи қатнашди. 500 киши ободонлаштириш тадбирларига жалб этилди. Улар шаҳар ва туман ҳудудидаги ерларга 200 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахтлар еқишди.

Бундай хайрли ташаббусни «Ангренкўмиртранс» корхонаси жамоаси ҳам қўллаб-қуватлади. Ободончилик ишларига 500 нафардан ортиқ киши иштирок этган бўлса, 2000 киши бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлди. Ушбу жамоа ҳам «Наврўз» хайрия жамғармаси фондига 100 минг сўм ўтказишди.

Муродулла ҒАФУРОВ.

Ижтимоий ҳимоя

Мустиқил Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида амалга ошириляётган саъй-ҳаракатлар қанчадан қанча қалбларни хушнуд этмоқда. Давлатимизнинг ногиронларга тенг имкониятлар ҳуқуқий неғизини яратиб бериш «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ҳам кўрсатиб ўтилган. «Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган давлат дастури» эса мамлакатимизда ногиронлар индустриясини яратиш сари кенг йўл очиб берди.

Ногиронларни ишга жойлаштириш, уларнинг ижтимоий ва ақлий имконияти, касбий маҳорати, шахсий хусусиятларини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлигининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Вазирлиқнинг халқаро хайрия жамғармалари билан боғланган ҳамкорлик алоқалари ҳам ана шундай саъий-ҳаракатлар мевасидир.

Шу эзгу мақсад йўлида Япония давлати ҳам хайрия тадбирларини кўрди. Мазкур мамлакат

Ногиронлар индустриясига пухта замин

томонидан махсус грант учун 240 минг доллар миқдорда маблағ ажратилди. Бу республикамиздаги ногиронлар учун қўллаб иш жойлари яратиш имкониятини берди. Таянч ҳаракат воситаларини ишлаб чиқариш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда. Ижтимоий таъминот тизимидаги ишлаб чиқариш корхоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай

шарт-шароитлар муҳайё қилинаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир: Бунинг учун вазирлик хорижий мамлакатлардаги, жумладан Германиянинг «Майра» компанияси билан ҳамкорлик шартномасини тузди. Эндилдакда бу немис фирмаси мамлакатимиздаги «Ор-

билан алоқалар мисолида ҳам қуришимиз мумкин. Масалан, Исроил компанияси бугунги кунда республика «Таянч» қўшма корхонаси билан биргаликда иш олиб бормоқда. Ўзаро тузилган шартномага биноан Исроил компанияси «Таянч» корхонаси мутахассис-

ларини ўқитиш, малакасини ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Шу йўл билан 4 нафар мутахассис Исроилга бориб тажриба ортириб қайтди.

Кейинги йилларда «Практор ЦС» Ўзбек-америка қўшма корхонаси фаолияти ҳам кенгайиб борди. Бу ерда тайёрланаётган протез ортопедия маҳсулотлари бу хил буюмларга муҳтож ногиронлар



БАРАКА УРУҒИ ҚАДАЛМОҚДА

Халқимиз азал-азалдан улуг кунда барака уруғини қадашнинг одат қилган. Кўзларни яшатиб, дилларни қувнатаётган боғу роғлар ҳам ана шу зағулик мевасидир.

Вилоят ҳокимининг «Андижонни гуллар диёрига айлантира-миз» деган мурожаатига жавобан шахрихонлиқлар 310 гектар ерда янги боғ ташкил қилишга яратди. Яратиш ва меҳнат байрами бўлган Наврўзи олам кўнларида боғқа дастлабки кўчатлар ўтказилди.

Шунингдек, айланма йўллар ва кўчалар бўйига манзарали дарахт кўчатлари эқилди. Маҳалла гузарларига, оммавий сайиллар ўтказиладиган жойларга тоқ, мирзатерак, турли-туман гул кўчатлари ўтказилди.

Ободонлаштириш ишларига меҳнат фахрийлари, элу юрт эъзозидаси қарияларимиз бош-қош бўлишмоқда.

Суратда: Меҳнат фахрийси Абдуллажон Исмоилов Жўрабек Шерматов, Адхамжон Охунов ва Муҳаммадхон Йўлдошевлар билан барпо этилажак боғ ҳақида сўхбатлашмоқда.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«ОМОНЛИК БОҒИ»

Ака-ука Гофиржон ва Ҳасанжон Қамбаровлар Дўстлик туманидаги Ойбек номи ижара ширкатлари уюшмаси ҳудудида кейинги бир ой ичида 600 туп мевали дарахт, 400 туп тоқ ва минг тупдан зиёд терак кўчатлари ўтказиб, бунёд этган мўъжаз боғларини «Омонлик боғи» деб номладилар.

Бунинг маъноси шукки, дейди Гофиржон, — элим деб, юртим деб ёниб яшаётган муҳтарам юртбошимизни Оллоҳнинг ўзи омон сақлади, бундан кейин ҳам омонлик бўлсин.

Шундай оқ ниятли йигитларга «Омонлик боғи»нинг барқ урсин деймиз.

Чотқолнинг бир қоқили Чортоқсой бўлиб оқиди. Азалдан бу сой бўйига жойлашган Қорабоғ, Саарой, Алихон, Пешқарон, Балиққўл, Созобой, Хазратшоҳ ҳамда Поромон сингари қишлоқларда Наврўз байрами кўшнинг тафти далага югурган кўнлардан бошланади.

Ўшанда унинг чор томонидан Тонгнинг мудроқ уйқуси қоқиди. Кўкларнинг юзини боқира шабнам ювади. Эндигина қуртақларини гулга айлантирган бодом шохлари мезмоннавозликка шай. Зеро, субухнинг шабадаси аллақачон Гулнинг тоғини чор тарафга олиб кетган. Хали замон Гулнинг хузурига Болари меҳмон бўлиб келади. Ўшанда чинакам тўй — Наврўз шодийнаси бошланади.

ЧОРТОҚНИНГ НАВРЎЗИ ЎЗГАЧА

Бугун бутун халқ ҳашарга чиқади. Чортоқда бўладиган ҳашарларнинг аксари Наврўз олдида бўлиб ўтади. Унда кимдир ўтган йили Қизирарикни тозалаш ҳашарида катта бир сувилонни тутиб, Тошхўжа бригадирнинг мотоцикли кулоғига олиб қўйиб роса кўрқитганини ҳангома қилса, яна кимдир бугун кечкурун Тошхон кампирнинг уйида сумалакка ўчоқ қазиб чоғида бўладиган ҳангомаларни кўз олдига келтириб кулади.

— Ҳой Собирбойвачча, сизга нима бўлди? Авжингиз йўқ. Билқиллаб турган балчиқка бел уришга ярамаяпсизу, кечкурун Тошхон кампирнинг уйида тошдай ерни қандай қовлайсиз. Яна кампиршолардан сумалак ўрнига капгир еб юрманг тагин.

Ҳа, айтгандай, ўчоқ қазининг ҳам ўз удуми бор: Аввал қариялар бир белдан тупроқни олиб, дуо қилганларидан сўнг, иш савоб талашган ёшларга қолади. Буларнинг бари сумалак пишириладиган

кундан чамаси ўн кунлар олдинроқ бўлиб ўтади. Худди шу кунни қишлоқнинг каттаю кичиги бир ерга тўпланиб, байрамга атаганини ўртага ташлайди: кимдир ун, кимдир ёғ дегандай. Ҳамма нарса тахт бўлгач, буғдой ундириш учун увитилади.

Сумалак пиширишга жой кўпроқ боқувчисини йўқотган қари кампирлар хонадонидан танланади. Негаки, шу баҳона уларнинг ҳовлисини яхшилаб таъмирлаб, ерларига уруғ сепиб бериб, дуосини оладилар.

Чортоқликлар азалдан Наврўз аввалидан ерларни ҳайдаб, уруғ сепишган. Ариқларни тозалаб, қудуқлар қазилган. 7 ёшдан 70 ёшгача яхши ният билан кўчат ўтказган. Шунинг учун бу ердаги ҳовлиларда анордан анжиргача, оддий теракдан соя-салқин тоғларгача ажиб бир тароват бахш этиб туради. Буларнинг бари эркакларнинг иши, бироқ аёллар ҳам қараб туришмайди: эзгу тилақлар билан кўрпа қапишади.

Бугун эса Тошхон кампирнинг уйида сумалак

учун таянч-ҳаракат воситалари бўлиб хизмат қилмоқда.

Ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган илмий - амалий анжуманлар ҳам қутилган самарани бермоқда. Шу ўринда «Оила ва ижтимоий таъминот хизматини ташкиллаштириш», «Ногиронларнинг тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитацияси» деган мавзуларда уюштирилган анжуманларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Қўрилаётган бу каби тадбирлар республикамиздаги реабилитация марказлари ишини жонлантириб юборди. Натижада бу марказлар орқали 1400 га яқин ногирон реабилитация қилинди ҳамда меҳнатга бўлган лаёқати тикланди.

Акбар АЛИЕВ, меҳнат фахрийси.



Наврўз - халқимиз, умуман шарқ халқларининг энг қадимий, энг ардоқли байрами...

Баҳор - табиатнинг уйғониш, гуллар фасли, тантаналар ўтказилади...

Наврўз - умумхалқ байрами тантаналари, шодиёналарининг асосий қисми...

Байрам дастурини намойиш этишда беш мингдан зиёд киши иштирок этиши кўзда тутилмоқда...

ЮРТИМИЗДА ЯНГРАСИН АПЁР

лар, мудофаа вазирликларининг бадий жамоалари қатнашади.

Байрам дастурининг жозибали ўтишида, сценарий муаллифи Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, бош режиссёр Рустам Ҳамидов...

Улкан саҳна атрофида вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, ташкилотлар ҳамда шаҳар, туманларнинг халқ хунармандлари...

Жумладан, Андижон вилоятдан машҳур кул Мирзабахром Абдуваҳобов, ёғоч ўймакорлиги устаси Йўлбарс хожи Ўтаганов...

Жаннатмакон Ватанимиз бўйлаб айёмлар айёмларга уланиб бормоқда.

Хикматуллох КОДИРОВ.

ЭНГ КАТТА САВОБ

Куртакларнинг жонлиши, ариқларда сувларнинг жилдириши, қушларнинг ширин чўғур - чўғурлари...

Наврўз байрами арафасида вилоятларда турли хил тадбирлар айна авжида...

Мана шундай пайтда Наврўз таомлари - ялғиз исмалок, кўк пивёз, жағ-жағлардан тайёрланган дармондориларга...

Х.АБДУЛЛАЕВ



СУМАЛАК НАШИДАСИ

Наврўз ўзи билан халқимизнинг гузал одатларию мазали таомларини олиб келади. Йилнинг дарахлар кайта яшайдиган энг лаофатли фаслида киши организми...

Наврўз яна бир хислати билан бизнинг миллий табиатимизга яқин. Шу кунларда эски гина-кудуратларни, ҳар хил ёмонликларни эсдан чиқариш...

ни тайёрлаш баҳонасидаги кечкуринги бетакор закли гурунларни йил бўйи соғинади киши.

Наврўз неъмاتي тайёрланган ҳовлидаги болажонлар қувончини айтмайсизми. Тол ёғочлардан от ясаб олган болакайлару, мажнунтол навдаларидан сочпоқуқлар...

Ховлига ажиб бир файзу барака киради. Кечаси билан



Ўзимизга қайтди, янги мазмун билан бойиди. Халқимизда сумалак тепасида тиланган ниётлар амалга ошади...

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.

ЖИЛВА
Баҳорий ёмғирнинг тизма дурида,
Жилвали рақсла кўш нурида,
Кўпчиған даланинг илк ҳовурида,
Баҳор келди.
Хўжамназар АБДУЛЛАЖОНОВ.

Тошкент шаҳридаги «Алгоритм» очик турдаги акциядорлик жамиятида Наврўзни ишлаб чиқаришда, маданий ҳаётда кўтаришчи руҳ билан кутиб олиш анъанавий тус олган.

Авлодларга эсдалик

Ҳар бир авлоднинг ўзининг тарбияланувчиларидан эллик нафари жалб этилиб, хайрли иш қилинди. Улар учун йўлланмалар берилди.

авлодларга эсдалик бўлиб қолади, яна мевали дарахлар эканимиз, ўзбекистонда чиройли боққа айлантираемиз. Келаси йил баҳор байрамининг шу ерда ўтказилиши ниятимиз бор.

Будир ПУЛАТОВ.

Байрам совғаси

ЯНГИ ГУЗАР

Мирзаҷаўн тумани марказидаги «Дўстлик» маҳалласида тўрт мингга яқин аҳоли истикомат қилади.

ТЕННИС КОРТИ ИШГА ТУШДИ

Наврўз шукчи мамлакатимизнинг жануби - Сурхондарё меҳнат аҳлига ҳам завқу-шавқ бағишлади.

ҲАР ЕРНИНГ ЎЗ УДУМИ БОР

Айрим жойларда янги йил кирадиган наврўзак ёки кўк тумшук тўрғай деган қушнинг учиб келишига қараб аниқланган.

Водилликлар Наврўзни «Наврўз гулли» сиз нишонлашмайди. Бу гулли териб келиш учун ёш-яланлар тоққа чиқадилар.

Уфққа суяб қўйилган каби қорайиб кўринган нукта тобора куюклашиб, бир даста садарайхон тусига киргач, неча кунки кум барханлари оша хориб-чарчаб келаётган қарвонда жонланари сезилди.

АВЛИЁ ТУТ

Меҳнат фахрийси Селби Гуллиева ҳижоиси Бундан етмиш йиллар муқаддам, ҳали соҳимиз уримга келмаган ёш бола чоғимизда...

ОРИЯТ

Помук қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Окмата Хўжамов сўзи. 1996 йил эди. Туманга Ҳайит Тожиёв янги ҳоким қилиб тайинланган кезлар.

БАҲОРИСТОН БАҲОРИ

Бугунда ҳам тут теғрасида Авазберди бобонинг руҳи кезиб юрибди. Набизраси Уроқбой бобо фарзандлари билан тарих силсиласига тирик тувоқ бўлиб дароҳт атрофида парвона.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган «Қўқдумалоқ», «Ур-табулоқ», «Аланга» газ қонлари ҳам Баҳористон кенгликларига жойлашган.

1997 йилда 137 нафар, 1998 йилда 93 нафар йигит-қиз турли олий ўқув юртиларига шартнома асосида таълим олишга жўнатилди.

Зайниддин РИХСИЕВ, Шавкат СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Диққат, танлов!

АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Дунёда шундай кўрғон борки, уни камоли хурмат ила оила дея алқайдилар. Ана шу кўрғоннинг подшоҳи эр бўлса, вазири хотиндир. Ўз эрининг виждонига, қадрига айланган аёл вазир бўлган кўрғондагина ҳаёт тинч-осулча кечади, турмуш машаққатлари асло зиён-захмат етказолмайди.

Инсон манфаатлари йилидан сўнг Оила ва Аёллар йилларининг эълон қилиниши ҳам бежиз эмас, яъни улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик охир оқибатда истиқлолга эришган мамлакатимизда барпо этилаётган янги, агар таъбир жоиз бўлса, одамлар томон юз тутган жамиятнинг мазмун - моҳиятини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, ислохотлар-ислохот учун эмас, инсон учун хизмат қилиши керак, деган таъриф ўзининг амалий ифодасини топади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон касаб

ба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти 1999 йил учун «Аёл ва жамият» мавзусида энг яхши мақолалар, лавҳалар, очерклар ва фоторепортажлар танловини эълон қилади.

Ғолибларни қуйидаги мукофотлар ку

тади:

Биринчи мукофот - 50 минг сўм
Иккинчи мукофот - 30 минг сўм
Учинчи мукофот - 20 минг сўм

Мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арафасида топширилади.



«ДАВРОН ЛММ»

ФИРМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзбек халқини, барча ўзбекистонликларни Наврўзи олам билан муборакбод этади. Ҳар бир хонадонга омад, бахту иқбол ёр бўлсин!


Мустақил Ўзбекистоннинг ерқин келажаги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча фуқароларга улкан муваффақият, мустақам соғлиқ тилаймиз.

«Даврон ЛММ» хусусий фирмаси.

ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ


Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувқуримаш» давлат концерни, «Ўзқишлоқхўжалиқмуношаратлар» давлат кооператив қўмитаси, «Ўзбекпахтасаноатсотиши» акционерлик уюшмаси, «Ўзғонмахсулош» давлат акционерлик корпорацияси, «Ўзмевасабзавопузумсаноат-Холдинг» компанияси, «Ўғмоштамақисаноат» уюшмаси, «Ўзқоққашсаноат» уюшмаси, «Ўзбалмақ» давлат акционерлик корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси давлат «Ўрмон» қўмитаси, Республика деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари қўмитаси, Республика давлат шабаҳини муҳофаза қилиш қўмитаси

Қишлоқ қурлими касаб уюшма аъзолари, ишчи - хизматчилари, деҳқонлари, йорвадорлари, тиллакорлари, фермерларини, олийтоҳлар ва коллежлар ўқитувчилари, талабалари, санаторий-профилакторийлар, болалар оромгоҳлари, спорт мактаби жамоалари, касаб уюшма фаолларини, барча қишлоқ хўжалиқ хизмат кўрсатувчиларини Наврўзи олам билан муборакбод этади.



Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Марказий қўмитасининг агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Қорақалпоғистон Республика қўмитаси райиси Д.Ходжаниязовага отаси

Қурбонбой ЁДГОРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
ИШОНЧ



Бош муҳаррир:
Мирғиёс ҚАЮМОВ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ
21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН



Бош муҳаррир қабулхонаси - 56-25-36
Бош муҳаррир уринбосари - 56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт - 56-82-79.
Ахборот ва спорт - 56-87-63. Матнавийят ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишlash - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ - 56-85-66.
ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:
Жизқола - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24.
Фаришда - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида - 5-19-11.
Қумқўрғонда - 54-3-58.



Сотувда эркин нархда.
Магистрлиги: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашир кўрсаткичи: 133; 134

Газетани 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўхнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширишда 22.00